O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 16-MART ■ SESHANBA ■ 30 (27.205) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХДП хабари

## СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ МАЖЛИСИ

2004 йил 13 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги VII пленуми ҳужжатлари, Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2004 йил учун обуна якунлари, сайлов округларида партия гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш вазифалари ҳамда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ПЛЕНУМИ

Жорий йилнинг 13 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссиясининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда комиссиянинг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида МТК раиси Сирожиддин Аъзамов ахборот берди. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, МТКнинг жорий йил учун иш режаси тасдиқланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

*Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VII пленуми ҳақидаги материал билан 2- саҳифада танишасиз*

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**





## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги шу йил 14 январда қабул қилган қарори «Намангантекстиль» акциядорлик жамиятида олиб борилаётган изланишлар кўламини кенгайтирди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган 24 турдаги маҳсулотнинг яна 3 турга кўпайганлиги бунинг яққол исботи.

5000 нафардан зиёд ишчи қўним топган корхонада харидоргир тайёр газламалар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Асосий эътибор маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилгани натижасида 1041,9 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича режадаги 50 минг погонометр ўрнига 64 минг погонометр кўйлакбоп газламалар тайёрланди.

Туркия, Жанубий Корея, Эрон, Россия, Қирғизистон давлатлари билан экспорт алоқаларини йўлга қўйган жамоа келаси ойдан Қозоғистонга ҳам тайёр газламалар бера бошлайди. Бу орада аниқ мўлжаллар белгиланиб, шартнома ҳужжатлари тайёрланди.

— Ўтган йилнинг май ойи охирида Президентимиз водий вилоятларида бўлганларида биз — саноатчиларни астойдил изланишга чорловчи фикрларни айтгандилар, — дейди корхона бош иқтисодчиси Ўктамжон Абдуллаев. — Чиндан ҳам пахта ўзимизники. Қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакларни хориждан сотиб оламиз?! Белорусиядан келтирилган лавсан ва рязанликлардан олинган вискоза толасига пахта толаси аралаштириб, кўйлакбоп материал ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, ҳар томонлама манфаатли бўлмоқда.

Ўтган йил якуни бўйича илгари музлатилган қарзлардан ҳам тўла қутилиб, 34,6 миллион сўм соф фойда олишга эришган «Намангантекстиль» акциядорлари бугунги изланишлар самарасидан ҳам умидвор. Бу умидворлик оддий ишчидан тортиб раҳбар мутахассисларгача кўтаринкилик бағишламоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

❖❖❖



**Суратларда:** 1. Ип йигирувчи Сайёра Турсунова.

2. Ип ўровчи Дилфуза Шаҳобиддинова.

3. Жамият бошқаруви раиси муовини, ХДП бошланғич ташкилоти котибаси Мадинахон Тўхтабоева, реклама ва маркетинг бўлими ходими Сайёрахон Санжарова ҳамда молия бўлими етакчи мутахассиси Давронбой Акбаров тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## ОРАСТАЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

### 13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди

Наврўз халқимизнинг қадимий ва боқий байрамларидан биридир. Ота-боболаримиз азалдан бу айёмни покизалик ва эзгу умидлар билан қаршилаган. Мазкур байрам замирида аждодларимизнинг бағрикенглик, инсонпарварлик, ўзаро ҳамжиҳатлик сингари фазилатлари мужассам.

Боқий байрамимиз арафасида барча ҳашарга чиқиб, теварак-атроф, уй-жойлар, қабристонлар ва зиёратгоҳларни тартибга келтириш, меҳр-мурувватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш каби анъаналар йилдан-йилга янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг март ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб аталиши бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Мазкур ойлик доирасида 13-14 март кунлари республикамизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди.

Ҳашар кунлари мамлакатимиз бўйича 150 миллион гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Боғ ва хиёбонларга, кўча ва йўл бўйларига минглаб туп гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Болаларнинг ўйин майдончалари, спорт мажмуалари, бозорлар, бино ва иншоотлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилди. Тонналаб чиқиндилар чиқариб ташланди.

Кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

Масалан, Андижон вилоятида ҳашар кунлари 1,7 минг километр узунликдаги ариқ ва зовур тозаланди, минглаб кўчатлар ўтқазилди.

— Ёшим саксондан ошди, шу пайтгача жуда кўп ҳашарларда қатнашганман, — дейди навоийлик отахон Иброҳим Норов. — Аммо, бу йилги ҳашар илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Халқимиз ўз хоҳиши билан далага чиқиб, виждонан меҳнат қилди. Биз, кексалар ҳам четда қараб турмадик.

Тошкент вилоятида ҳашар кунлари 600 мингдан ортиқ мевали ва манзарали кўчат ўтқазилди. 981 гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. 1900 километр узунликдаги ариқ ва зовур тозаланди. Шу билан бирга маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, аҳоли турар жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундай ибратли мисолларни юртимизнинг ҳар бир вилояти ва туманидан келтириш мумкин. Зеро, умумхалқ ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида — вилоят, шаҳар, туман, ташкилот, муассаса, идора, корхона, маҳалла ва қишлоқда кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашарчилар хордиқ чиқариши учун уларга маданий дастурлар намойиш этилди. Дошқозонларда сумалак, ҳалим пиширилди.

Умумхалқ ҳашари туфайли тушган маблағ ҳар қайси ҳудуднинг ўзида, ўша жойнинг инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак беришга, маҳаллаларни, қишлоқларни ободонлаштириш билан боғлиқ хайрли ишларга сарфланади.

Бунёдкорлик, яратувчанлик, ободончилик ишлари мавсумий тадбирга айланиб қолмай, йил бўйи мунтазам давом этади. Зотан, орасталик — халқимизга хос олижаноб, эзгу фазилатлардан ҳисобланади.

**(ЎзА)**

## СИТОРАИ МОҲИ ХОССА ЖИЛВАСИ

Қадим Бухоронинг сўлим гўшаси — бадиий меъморчилик музейи қўриқхонаси филиали саналган Ситораи Моҳи Хосса қанчадан-қанча ватандошларимиз ва хорижлик сайёҳларни ўзига мафтун этган, ҳайратга солган. Кўклам эпкини, Наврўзи олам шарофати ила бу тарихий маскан бугун яна ўзгача чирой касб этди. Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари бу ердаги сўлим хиёбонларга 300 туп голланд гуллари, 750 та манзарали ва мевали ниҳоллар ўтқазилди.

— Ниҳоллар билан бизни Бухоро боғдорчилик-ниҳолчилик тажриба хўжалиги таъминлади, — деди филиал директори Бахтиёр Бўронов. — Шунингдек, бу ердаги кўҳна ҳовуз ҳам қайта таъмирланди. Кириш дарвозаси, шоҳайвонлар такрор чирой очяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ**





Фарғона вилояти мева кўчатчилиги хўжалигида етиштирилаётган мевали ва манзарали дарахтларга мамлакатимизда харидорлар кўп. Хўжалик боғбонлари умумхалқ ҳашари олдидан мавжуд 250 гектар майдонда етиштирилган минглаб туп ўрик, гилос, олма, узум, шафтоли, бодом, арча, терак, ниҳолларини мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб беришди.

**Суратларда:** хўжалик бош ҳосилоти Нўъмонжон Каримов ва боғбон Ботирали Зайлобиддинов шакл берилган дарахтларни кўздан кечиришмоқда; боғбон Хайрулло Зайлобов ниҳолларни жўнатишга тайёрламоқда.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 16 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 730,58 | 1 Польша злотийси | 256,78 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1793,82 | 1 СДР | 1458,08 |
| 1 Дания кронаси | 163,40 | 1000 Туркия лираси | 0,76 |
| 1 БАА дирҳами | 271,26 | 1 Швейцария франки | 777,87 |
| 1 АҚШ доллари | 996,29 | 1 ЕВРО | 1217,47 |
| 1 Миср фунти | 160,50 | 10 Жанубий Корея вони | 8,47 |
| 1 Исландия кронаси | 14,11 | 10 Япония иенаси | 89,93 |
| 1 Канада доллари | 746,62 | 1 Россия рубли | 34,95 |
| 1 Хитой юани | 120,37 | 1 Украина гривнаси | 186,94 |
| 1 Малайзия ринггити | 262,22 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## Комиллик

*Майли шоирликни қилмагин ҳавас,*
*Балки олимлик ҳам сенга шарт эмас.*
*Англасанг дунёнинг ўткинчилигин,*
*Комил бўлмоқликка шунинг ўзи бас!*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**1 март 2004 йил**

## ҚЎШМА ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги бугун соҳада чуқур ислоҳотлар ўтказишни, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришни, бинобарин, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришни талаб қилмоқда.

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2004 йилнинг 11 март куни «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилиб, прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъати ва Адлия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлигининг раҳбарлари, таркибий тармоқлар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Мажлисда таъкидланишича, қишлоқ хўжалиги соҳасида ечимини кутаётган қатор муаммолар ва қонунбузилишлар мавжуд, уларнинг аксарияти қонун талабларининг етарли даражада бажарилмаётганлиги билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, давлатга пахта, ғалла топшириш, ширкат, фермерларга техникавий хизмат кўрсатиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш ҳамда пул маблағларини ўтказишда шартнома мажбуриятларига тўлиқ риоя қилинмаяпти.

Қўрилаётган чораларга қарамай, ерларни ноқонуний ажратиш, улардан мақсадсиз фойдаланиш, ҳосилни нобуд қилиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини талон-торож қилиш ҳолларига чек қўйилмаяпти.

Айрим жойларда фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер ажратишда масъул шахслар томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, қариндош-уруғчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйилмоқда.

Ҳайъат мажлисида юқоридаги ва бошқа салбий ҳолатлар назоратдан четда қолгани ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид остига олинди, уларни бартараф этишга доир аниқ вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази**

## ЕВРОПА АКАДЕМИЯСИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр Дўсчонов жаҳон таниган олимлардан. Олим томонидан тиббиётнинг долзарб соҳаларида яратилган илмий изланишлар самараси аллақачон қитъалар ошган. Б.Дўсчонов бир қатор хориж академиялари фахрий аъзолигига сайлангани бежиз эмас.

Яқинда Украина пойтахти Киев шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон жарроҳлари анжуманида хоразмлик олимга Рейтинг технологияси ва социологияси Европа Академиясининг мукофоти — Георгий медали топширилди. Илм-фан ва бошқа жабҳаларда фидойи меҳнат қилаётган кишиларни мунтазам қўллаб-қувватлаб келаётган мазкур академиянинг шиори: «Шараф. Шуҳрат. Меҳнат» деб аталади.

Мазкур мукофотга муқаддам сазовор бўлганлар орасида Европа ва Осиёнинг қатор таниқли арбоблари бор. Россиялик машҳур қуролсоз Калашников, таниқли артистлар Ланавой, Башмет ва ўнлаб фазогирлар ана шу медаль соҳиблари бўлишган.

Яна бир эътиборли томони — мазкур медаль билан биргаликда совриндорга катта миқдорда Европа валютаси ҳам тақдим қилинади. Савобталаб олим Бахтиёр ака Дўсчонов Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўзига тақдим қилинган пул мукофотини Украинада жарроҳлик соҳасида докторлик илмий иши устида изланишлар олиб бораётган ўзбекистонлик ёш олимга ҳомий сифатида топширди.

**(Ўз мухбиримиз)**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ПАРТИЯ ИСЛОҲОТИ — ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ 2004 ЙИЛ 13 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН VII ПЛЕНУМИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН МАСАЛАЛАРНИНГ АСОСИЙ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ШУНГА ҚАРАТИЛДИ





Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ, йилда бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш пленуми ишида, анъанага кўра, МК аъзоларидан ташқари Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, ушбу сайланма органлар таркибида бўлмаган ХДП минтақавий кенгашлари котиблари, Тошкент вилояти ва пойтахт партия ташкилотлари тасарруфидаги туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари, ХДПдан Олий Мажлисга сайланган бир гуруҳ депутатлар, партия матбуоти ходимлари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибига «2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналишлари тўғрисида», «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи», «Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот», «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» дастурини амалга оширишда партия ташкилотларининг иштироки юзасидан чора-тадбирлари режаси ҳақида», «Ўзбекистон ХДПнинг 2003 йилдаги молиявий ҳисоботи ва 2004 йил учун бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида», «2004 йилда Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ва Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман ташкилотлари конференцияларини ўтказиш тўғрисида», «Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги IV қурултойини чақириш тўғрисида» ва бошқа масалалар киритилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби **Аслиддин Рустамов** МК Сиёсий ижроия қўмитасининг топшириғига биноан пленум кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан маъруза қилди. Мунозараларда Ўзбекистон ХДП Наманган, Қашқадарё, Навоий вилоят кенгашлари биринчи котиблари **Муҳаббат Абдуллаева, Олим Равшанов, Рустам Ботиров**, Фарғона, Тошкент вилоят партия кенгашлари котиблари **Зиёдахон Абдуллаева, Носир Тоиров**, Тошкент Давлат педагогика университетининг биринчи проректори, МТК аъзоси **Абдуғаффор Қирғизбоев**, Наманган вилоят Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш маркази директори, МК аъзоси **Абдурашид Убайдуллаев** ва бошқалар иштирок этдилар.

Маъруза ва нутқларда ортда қолган йилда қилинган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди. Бу ишда Марказий Кенгаш томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойларида олтита минтақавий, тўққизта шаҳар ва туман партия кенгашлари, ўнлаб бошланғич партия ташкилотларидаги аҳвол ҳамда қатор партия депутатлик гуруҳлари фаолияти билан жойларнинг ўзида танишиб чиқилганлиги, уларнинг етакчилари, ижроия бюролари аъзолари, ХДПдан сайланган депутатлар билан кўплаб учрашув, «давра суҳбатлари» ва мулоқотлар, анкета сўровлари ўтказилганлиги қўл келди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўз чиқишларида мамлакатимиз сиёсий партиялари шаънига танқидий фикрлар билдирган эди. Пленум партиянинг барча тузилмаларини мўртлик ва заифликдан чиқишнинг амалий чораларини кўришга яна бир бор даъват этди. Ҳисобот даврида партиянинг марказий органлари, барча даражалардаги кенгашлари ва қуйи бўғинлари, матбуот нашрлари таҳририятлари ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширдилар. Марказий Кенгаш қуйи ташкилотлар, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларининг фаолиятини мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишга, юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, биродарлик муҳитини асраш, давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларни, айниқса ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш ишларига кўмаклашишга, ХДПнинг дастурий ғояларини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқаришга қаратилган ташкилий, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларни кучайтиришга йўналтириб турди. Маҳаллий партия ташкилотларига ахборий-услубий ёрдам кўрсатишни кенгайтирди, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига эътибор берди.

ЎзХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси парламент ислоҳотларининг ҳуқуқий негизини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокамасида ва уларни ҳаётга татбиқ этишдаги иштироки бирмунча кенгайди. Маҳаллий партия ташкилотлари ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз сайлов округларидаги хайрли фаолиятига кўмаклашиш билан бир қаторда, уларнинг сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга жалб этиш, депутат қабулхоналари ишини яхшилаш масалалари билан бевосита шуғулландилар. Партия кенгашлари шафелигида фаолият кўрсатаётган икки мингдан ортиқ депутат қабулхоналарида ўтган йилнинг ўзида ХДПдан сайланган халқ вакиллари 52 мингдан зиёд фуқарони қабул қилиб, улардан тушган 44 мингтадан ортиқ сўров, шикоят ва аризаларни кўриб чиқдилар ва уларнинг кўпчилигини ижобат бўлишига эришдилар.

ХДП ташкилотлари «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар қўмиталари, бошқа нодавлат нотижорат бирлашмалари, давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли муассаса ва ташкилотлар билан қалин ҳамкорликда «Обод маҳалла йили» дастури доирасидаги тадбирларни ўтказишга ўз ҳиссасини қўшди.

Ортда қолган даврда ХДП тузилмаларини мустаҳкамлаш, сафларини муносиб фуқаролар билан тўлдириш, партия Низоми талабларига риоя қилишни таъминлаш масалалари ҳам ташкилотларимиз диққат марказида турди. Бир йил давомида 20 мингга яқин киши партиямиз сафига қабул қилинди, шундан 10 минг нафардан зиёди ёшлар.

Аммо, дейилди пленумда, биз имкониятлардан тўла фойдаландик, қўлимиздан келадиган ҳамма ишларни қилдик дея олмаймиз. Жойлардаги аҳволни ўрганиш натижасида партия ташкилотлари фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар борлиги аниқланди. Қатор вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларининг қуйи партия ташкилотларига эътибори сусайган. Улар партия тузилмалари диққатини ХДП дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга, партиядошларимизнинг жойлардаги ислоҳотларда иштирокини таъминлашга, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга кўмаклашишга, депутатлар билан ишлашни яхшилашга, фаоллар ўқувини ташкил этишга қаратиш ўрнига кўпроқ ички партиявий масалаларга бағишланган йиғилиш ва мажлисларни ўтказиш билан банд бўлдилар.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга мослаша олмаётган, партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ўрнига на ўз ташкилотлари ва на сайловчиларга наф келтирадиган ишлар билан вақтларини ўтказаётган, баъзи ташаббуссиз, лоқайд раҳбарлар танқид қилинди. Яна айтилдики, кўпгина бошланғич партия ташкилотларида аҳоли ўртасида партиянинг мақсад-муддаосини тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган ишлар даражаси паст, ҳаттоки, умумий йиғилишлар ҳам вақтида ўтказилмайди.

Раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва ташаббус кўрсатиб ишлаш, имкониятларни қидириб топиш лозимлигини унутиб қўйганликлари боис, кўпчилик партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари ХДП матбуот нашрларига жорий йил учун обунани яхши ташкил эта олмадилар. Уларнинг лоқайдлигидан ҳар бир бошланғич партия ташкилотида ҳеч бўлмаганда бир нусхадан «Ўзбекистон овози» ёки «Голос Узбекистана» газетаси ва «Мулоқот» журнали бўлсин, деган яхши истак ҳам кўп жойларда ҳавода муаллақ бўлиб қолди.

Маърузада партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд бошқа камчиликлар ҳам очиб ташланди. Биз ўзимизнинг фаолиятимизни ҳам бенуқсон деб ҳисобламаймиз, деди МК биринчи котиби. Чунончи, партиямиз раҳбар органлари эътиборидан Марказий Кенгаш кейинги пенумлари қарорларини бажаришни ташкил этиш механизмларини яратиш масаласи тушиб қолди. Олий Мажлисдаги фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз аъзолари депутатлик сўровлари билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланмадилар.

Маърузачи партиянинг навбатдаги вазифаларига эътиборни қаратишдан олдин жорий йилнинг хусусиятларига тўхталиб, унинг партиямизда ҳисобот-сайловлар йили эканлигини, ушбу мавсум ниҳоясида ХДПнинг IV қурултойини чақириш режалаштирилаётганлигини ҳамда йил охирида мамлакатда ялпи сайловлар бўлиб ўтишини эслатди. Ана шунинг ўзидан ҳам бу йилнинг партиямиз учун ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли эканлиги кўриниб турибди.

МК Сиёсий ижроия қўмитаси партия фаолиятидаги мавжуд камчиликлар, заифлик ва мўртликдан қутулиш ҳамда давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик органларига бўладиган сайловлардек жиддий синовдан ёруғ юз билан чиқиш учун унда йирик ўзгаришлар содир этиш даркор, деган хулосага келди. Мамлакатда вазият кун сайин ўзгараётган, парламент ислоҳоти амалий паллага кирган шароитда сиёсий партиялар бу жараёндан четда қола олмайдилар. Бизнингча, деди маърузачи, ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳалари (давлат ва бошқарув тизими, сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари)ни ҳам қамраб олсагина, самарали бўлиши мумкин. Демак, **Ўзбекистон ХДПнинг ислоҳ қилиниши ҳам ҳаётий заруратдир.**

Марказий Кенгаш биринчи котиби ўз маърузасида партияни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини асослаб берди. Улар қуйидагилар.

**Мафкуравий соҳада:** мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазият жўшқин ўзгариб бораётган, айниқса, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллигининг ўсишида ўзгаришлар бўлаётган бир шароитда, ХДП мақсад-муддаосига содиқ қолган ҳолда, унинг янги замонавий дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Улар қаторига умумсиёсий дастур, сайловолди платформа (дастур), сайловларга қатнашиш муносабати билан қабул қилинадиган халққа қарата мурожаат ёки баёнот, сайлов мавсуми чақириқ ва шиорлари киради.

Биз партиямизнинг янги таҳрирдаги **умумсиёсий Дастурини** 1999 йилда қабул қилганмиз ва ҳозирги кунда уни янгилаш учун зарурат йўқ. Чунки, миллий истиқлолни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ қатор масалаларга партиямизнинг сиёсий баҳоси, бошқалар қарашларидан фарқ қилувчи нуқтаи назари, мустақил фикри, ўзининг дастурий ғояларини рўёбга чиқариш борасидаги устуворликлари ҳозир ҳам долзарблигини йўқотган эмас.

Ҳар қандай сиёсий партия ўзининг сайловларга мўлжалланган дастурига эга бўлиши лозимлигини илғор демократик мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси тасдиқламоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДПнинг ҳам ўз **сайловолди дастури(платформаси)** бўлиши шарт. Биз ўтган сайловларда бундай ҳужжатга эга эмас эдик, чунки ушбу вазифани умумсиёсий Дастуримиз бажаради деб ўйладик. Ваҳоланки, сайловчилар биздан таҳлилий умумлашмалар ва назарий қарашларни эмас, балки кўпчиликни қизиқтираётган муаммолар бўйича таклифларимизни кутаётган эдилар. Ушбу ва бошқа сабабларга кўра 1999 йилдаги сайловларда Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиямизнинг мавқеи бирмунча бўшашди. Энди бундай хатога йўл қўймай, партиямизнинг сайловолди дастурини ишлаб чиқишга жиддий эътибор бермоқ зарур.

Хорижий мамлакатлар ва ўз тажрибамиздан фойдаланиб, сайловолди дастурда партиямизнинг ижтимоий-сиёсий масалалар, ислоҳотларнинг бориши, мамлакат тараққиёти истиқболлари тўғрисидаги ёндашувлари билан бир қаторда, жамоатчилик диққат марказида турган энг долзарб муаммоларни ҳал қилиш юзасидан аниқ таклифларни олға суришимиз лозим. Мамлакатимиздаги бунёдкор ўзгаришларнинг бош мақсади — инсон манфаатлари, унинг бахт-саодати туради, деган қоидадан келиб чиқиб, ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг фаровонлиги билан боғлиқ бўлган конституциявий ҳуқуқларнинг амалда таъминланишига, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти — инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш қанчалик изчил ва самарали бўлаётганига холисона баҳо бериш ҳамда ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, ҳозирги аграр сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир давлат қарорларининг бажарилиши жараёнида деҳқонларнинг мулкий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ишсизлик муаммосини ечиш ва истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлақонли тўлдириш мақсадида иқтисодиётдаги тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш каби кўплаб масалалар шулар сирасига киради.

Олий Мажлисдаги депутатларимиз парламентнинг тегишли сессиялари олдидан ўтказиладиган фракция йиғилишларида Давлат бюджети лойиҳаси ва унинг ижросини дастлабки тарзда муҳокама қилиб, уларда қатнашаётган Молия вазирлиги раҳбарлари диққатини ижтимоий соҳалар, хусусан, халқ таълими тизимини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш лозимлигига қаратган эдилар. Бугун биз мамнуният билан айтишимиз мумкинки, дейилади маърузада, республика Президентининг 2004 йил 14 февралдаги «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида партиямизнинг устуворликларига мос бу масалалар ўз аксини топди. Бизнингча, партиямиз бўлажак сайловлар олдидан ушбу муҳим масалага оид ўз қарашларини ишлаб чиқиши билан бир қаторда, депутатлик гуруҳларимиз мазкур Фармойиш доирасида жойларда амалга ошириладиган ишларда фаол иштирок этишлари керак.

Партиямиз Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда бошланган маъмурий ислоҳотларни ҳам сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши билан бирга, унинг жараёнида давлат ва бошқарув органларининг коррупция, сансалорлик, маъмурий-буйруқбозлик ва марказлашган-тақсимчилик услублари сарқитларидан тўла халос бўлишини таъминловчи механизмларни яратиш лозим, деб ҳисоблайди.

**Партия сиёсий фаолиятини ислоҳ қилиш соҳасида** бажариладиган асосий ишлар унинг назарий қарашларини амалиётга айлантиришнинг йўл ва воситаларини янгилаш, замонавийлаштиришга қаратилади. Унинг марказида Ўзбекистон ХДПни заифлик ва мўртлик ҳолатидан чиқариш, уни фаол сиёсий кучга айлантириш масаласи туради. Бу бутун партия ва унинг ҳар бир ташкилоти, муассасасидан, энг аввало, ***ташаббускор бўлишни*** талаб қилади. Бунинг учун депутатларимиз орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан доимий мулоқотда бўлишнинг ўзи кифоя этмайди. Сиёсий ташаббуслар билан чиқиб, мазкур органлар томонидан аҳоли манфаатларига мос қарорларнинг қабул қилиниши ва бажарилишига эришмоқ даркор.

Марказий Кенгашнинг кейинги пленумлари бу соҳада ўрнак ва йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Бироқ, уларни амалиётга айлантиришда қатъиятли ва мақсадли ҳаракатлар етарли бўлмади. Шу муносабат билан партия раҳбари айрим сафдошларда мавжуд бўлган ташкилотимизнинг кўп сонлилигига маҳлиё бўлишдек хом хаёлликдан узил-кесил воз кечишга чақирди. Лоқайдлик ва ўзибўларчилик ўрнига ташаббус кўрсатиш, фаол ҳаракатлар қилиш зарурлигини таъкидлади.

Маърузачи ва нотиқлар **партияни ташкилий жиҳатдан ислоҳ қилиш** масаласига ҳам катта эътибор бердилар. Марказий Кенгашнинг фикрича, бу йўналишдаги ўзгаришлар партия тузилмаларини қайта қуришга қараганда кўпроқ уларнинг функционал вазифаларини қайта ташкил этишни назарда тутади. Аҳоли истиқомат жойларидаги партия ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сайлов округларида партия гуруҳларини тузиш билан бир қаторда, бошланғич партия ташкилотларидан тортиб партия марказий раҳбар органларигача бўлган барча бўғинларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларга орттирилган тажрибага таянган ҳолда, аниқлик ва ўзгартиришлар киритиб бориш зарур. Партиянинг ҳар бир бўғини фақат ўзига хос вазифани бажариши ва бошқа бўғинларнинг ишини такрорламаслиги лозим. Улар ўз фаолиятлари билан бир-бирларини тўлдирадилар ва биргаликда партиянинг ғоявий-ташкилий муштараклигини таъминлайдилар. Буларнинг барчаси партиянинг Низомида ўз ифодасини топмоғи керак.

Пленум шу мақсадда, Марказий Кенгаш томонидан маҳалий партия ташкилотлари билан маслаҳатлашиб тайёрланган Ўзбекистон ХДП Низомининг янги таҳрири лойиҳасини асосан маъқуллаб, уни умумпартия муҳокамасига қўйишга қарор қилди. Бу иш партияда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайловлар мавсумида амалга оширилади.

Партия ташкилотларининг фаолияти муайян даражада уларнинг молиявий аҳволига ҳам боғлиқ. Пленум бу масалани ҳам четлаб ўтмади. Маълумки, уларнинг аксарияти партияга аъзолик бадалларини йиғиш ҳисобидан яшайди ва фаолият кўрсатади. Маърузачи бу муҳим соҳада жойларда жиддий камчиликлар мавжудлиги билан бир қаторда, ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан муаммони муваффақиятли ҳал қилаётган ташкилотлар ҳам оз эмаслигини эслатиб ўтди. Наманган ва Қашқадарё вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари ўз нутқларида бу соҳадаги ижобий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Пленум Ўзбекистон ХДП бюджетининг жорий йил учун белгиланган лойиҳасидаги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаб, барча партия ташкилотларини унга қатъий риоя қилиш, партия ғазнасини тўлдиришнинг асосий манбаи — аъзолик бадалларини йиғишда тартиб ўрнатишга чақирди.

Марказий Кенгаш жорий йилнинг хусусиятлари ва унинг давомида партия ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни ҳисобга олиб, ХДПнинг барча тузилмалари олдига қуйидаги устувор вазифаларни қўйди.

**Биринчи навбатда** — Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ ўтказиладиган ҳисобот-сайловларга, авваламбор, ***бошланғич партия ташкилотларида ўтадиган умумий йиғилишларга*** ҳар томонлама тайёрланиш. Партия ташкилоти ва унинг ижроия бюроси маърузасида ҳисобот даврида қилинган ишлар таҳлил қилинганда, биринчи навбатда, ХДП аъзоларининг жойлардаги ислоҳотларга қўшган ҳиссаси, уларнинг аҳоли ўртасидаги оммавий-сиёсий ишларда иштироки, ташкилотнинг сустлик ва заифлик ҳолатидан чиқишига халақит бераётган сабабларга эътибор берилиши каби масалалар сайловлар йилида бош вазифалар сифатида қўйилиши лозим. Ушбу йиғилишларга тайёргарлик кўриш жараёнида ХДП аъзоларининг ҳисобини солиштириб чиқиш, хусусан, қишлоқда бўлиб ўтаётган ўзгаришлар муносабати билан фермер хўжаликларига ишга ўтган сафдошларимизни партия гуруҳлари ва тегишли партия ташкилотларига уюштириш масалаларини ҳал этиш лозим. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларининг раҳбар органлари, уларнинг етакчиларини танлаш ва сайлаш масаласига жиддий эътибор беришимиз лозим.



Ушбу мавсумнинг иккинчи босқичида **шаҳар, туман, вилоят ва Қорақалпоғистон республика партия конференцияларини** ўтказиш кўзда тутилган. Уларнинг ҳар бирига пухта ҳозирлик кўриш, ҳисобот маърузасида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятнинг янгиланиши, демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида жойларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга партия ташкилотларининг бевосита иштирокини мисол ва далиллар билан ифода этиш лозим. Шунингдек, партия ташкилотининг ХДП III қурултойи қарорлари ва дастурий устуворликларини амалга ошириш, партия раҳбар органларининг қарорларини бажариш юзасидан қилинган ишларни чуқур таҳлил этиш, хато ва камчиликларнинг сабабларини кўрсатиш, мазкур ҳудуддаги барча партия тузилмаларининг фаолиятини яхшилашга қаратилган аниқ таклифларни олға суриш талаб қилинади.

Йиғилиш ва конференцияларда партия ташкилотларининг раҳбар органлари ва юқори партия органлари анжуманлари ҳамда ХДП IV қурултойига делегатлар сайланади. Уларнинг таркибига обрўли, ташаббускор, партия ишига содиқ кишиларни сайлаш, пленум иштирокчилари фикрича, серғайрат ёшларни кўпроқ жалб қилмоқ зарур.

**Асосий вазифаларимиздан яна бири** — партиядаги ҳисобот-сайлов мавсуми ва унинг фаолиятининг катта бир даврига якун ясовчи ҳамда ҳаётида янги паллани бошлаб берувчи Ўзбекистон ХДП IV қурултойига пухта тайёрланиб, уни юксак савияда ўтказишдан иборат. Унда партиянинг сайлов стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партиядан номзодлар кўрсатилади, ХДПнинг сайловолди ҳужжатлари ҳамда янги таҳрирдаги Низоми қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Пленум қурултойнинг муваффақиятли ўтиши учун олиб бориладиган тайёргарлик ишларида бутун партия ташкилотлари иштирок этиши лозимлигини таъкидлади.

**Бу йил давомида бажариладиган ишларнинг энг асосийси эса** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорқалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш. Зеро, партиямизнинг дастурий мақсад-муддаосини рўёбга чиқариш, пировард натижада, унинг давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик органларида кўпроқ ўринларни эгаллашига боғлиқ. Шунинг учун, маърузада ва нотиқларнинг сўзларида таъкидланганидек, партия ташкилотлари номзодларни танлашга алоҳида эътибор қаратишлари, бу ишга катта масъулият билан ёндошишлари керак. Ўтган сайловларда айни шу масалада йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз зарур.

Албатта, депутатликка энг яхши номзодни ҳам сайловчиларга яхшилаб таништириш, партия ва унинг дастурини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларни унга овоз беришнинг самарали воситаларидан усталик билан фойдаланиш, зарурат туғилганда, пленумда айрим фаоллар даъват этганларидек, номзодларимизни жойлар содир бўлиши эҳтимоли бор нохолис ҳаракатлардан қонун доирасида қатъийлик билан ҳимоя қилиш, уларни кучли рақобатли сиёсий курашга тайёрлаш лозим. Шунингдек, ўзларининг ғаразли шахсий манфаатларини миллий мустақиллигимиз манфаатларидан юқори қўювчи баъзи бир нопок унсурларнинг бўлажак сайловлардан фойдаланишга уринишларини ҳам унутмаслик керак.

...Пленум **«Меҳр ва мурувват йили» дастурида фаол иштирок этишни ҳам партиямиз ташкилотлари олдида турган устувор вазифа**, деб ҳисоблади. МК Сиёсий ижроия қўмитаси ўтган йилнинг 17 декабрида қабул қилинган ўз қарорида давлатимиз раҳбарининг шу ҳақдаги таклифини маъқуллаб, партия тузилмаларига тегишли тавсиялар берган эди. Пленумда Марказий Кенгашнинг мазкур масалага доир чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Айтиш мумкинки, ҳозирнинг ўзида Марказий Кенгаш ва маҳаллий партия кенгашлари томонидан кексалар, ногиронлар, ёшлар орасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. ХДП ташкилотларига бундай ишларда турли жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш, ҳомийларни жалб қилиш тавсия этилди. Бу йўналишда партиямиздан сайланган депутатларимиздан ҳам кўплаб ташаббуслар кутамиз. Келинг, мамлакатимиз раҳбари даъват этганларидек, савоб ишни ҳар биримиз, ҳар доим қилайлик! — дейилди маърузада.

Ва, ниҳоят, шу куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларига эътиборни кучайтириш ҳам партиямизнинг устувор вазифасидир. Бу соҳада марказда ҳам, жойларда ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Хотин-қизлар қўмиталари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлинмалари билан биргаликда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар (кечалар, анжуманлар, «давра суҳбатлари», баҳс-мунозаралар ва ҳоказолар) ўтказилаётир. Чунончи, Сергели туман партия кенгаши ҳузурида «Ҳаёт мактаби», Қўқон шаҳар партия кенгаши қошида «Сиёсат» мунозара клублари, Ангренда шаҳар партия кенгаши ҳузурида тузилган «Ёш парламентчилар мактаби» фаолият кўрсатмоқда. Партия сафига қабул қилинаётган янги аъзолар орасида аёллар ва ёшлар улуши кўпаймоқда. Бундай мисоллар бисёр. Аммо, шундай бўлса-да, маърузада айтилишича, аҳолининг ушбу кўп сонли қатламлари орасида олиб борилаётган ишларни шу замон талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Бу соҳадаги фаолиятга жўшқинлик бахш этиш мақсадида партия кенгашларида хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш шўъбаларини тузиш тўғрисида тавсия берилди.

Хуллас, партия Марказий Кенгашининг VII пленуми партия олдида турган энг долзарб масалаларни муҳокама қилиб, устувор вазифаларни белгилади, партиядошларга аниқ йўл-йўриқлар бериб, уларни фаол ҳаракатлар қилиш, ташаббускор бўлишга даъват этди. Пленумда қабул қилинган қарорлар, тасдиқланган режа ва тадбирлар тизимлари ҳар бир партия аъзоси учун дастуриламалдир. Яна бир диққатга сазовор нарса, пленумнинг демократик анъаналар ўзанларида, эркин фикр билдириш ва мунозара қилиш, бошқалар фикр-мулоҳазаларини сабр билан тинглаш руҳида ўтганлигидир.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

Шарҳ

# РОССИЯ: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ



Аввал хабар қилганимиздек якшанба куни Россияда Президент сайлови бўлиб ўтди. Сайловнинг дастлабки натижалари эса Интернет сайтларида эълон қилина бошланди.

Маълумки, Россия Федерациясида 109 миллион киши овоз бериш ҳуқуқига эга. Қонунга кўра, улардан 50 фоизи овоз беришда иштирок этса, сайлов қонуний ҳисобланади. Бу йилги Президент сайловида эса сайловчиларнинг 64,26 фоизи қатнашди. 2000 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 68,74 фоизи иштирок этган эди.

Марказий сайлов комиссияси (МСК) хабар беришича, душанба куни сайлов бюллетенларининг 99 фоизи ҳисоб-китоб қилиб бўлинган. Унинг натижаларига кўра, 71,2 фоиз сайловчи, яъни 48 миллион 918 минг 513 киши Владимир Путин номзоди учун овоз берган. Шундай қилиб Россиянинг амалдаги Президенти сайловнинг дастлабки натижаларидаёқ ғолибликни қўлга киритди.

Иккинчи ўринда Россия Коммунистик партиясидан номзоди қўйилган Николай Харитонов бормоқда. Унга 13,7 фоиз сайловчи овоз берган. Бу 9,1 миллион киши дегани.

Сайловда ўз номзодини илгари сурган Сергей Глазьев — 4,1 фоиз (2,7 миллион овоз), мустақил номзод Ирина Ҳакамада — 3,9 фоиз (2,51 миллион овоз), Россия Либерал демократик партиясидан номзоди қўйилган Олег Малышкин — 2 фоиз (1,34 миллион овоз), Россия ҳаёт партиясидан номзод, Федерация Кенгаши спикери Сергей Миронов — 0,8 фоиз (493 минг овоз) сайловчи овозини олиб, кейинги ўринларни ишғол этди.

3,5 фоиз сайловчи, яъни 2,2 миллион киши эса юқорида номлари саналган барча номзодларга қарши овоз берган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Россия ҳудуди бўйича асосан Шимоли-ғарбий ва Жанубий федерал округларида Владимир Путин номзоди учун энг кўп овоз берганлар. МСК аъзоси Владимир Лысенконинг айтишича, Жанубий федерал округида 75,4 фоиз сайловчи Путин номзодини қўллаб-қувватлаган. Шимоли-ғарбий Федерал округда эса бу кўрсаткич 74,7 фоизни ташкил этди.

2000 йилдаги Президент сайловидан ажралиб турадиган яна бир жиҳат шуки, ўшанда Путин 52,94 фоиз овоз билан рақиби Геннадий Зюгановдан (29,21 фоиз) ўзиб кетган бўлса, бу гал Путин тарафдорлари жуда кўпайганлигини кўриб турибмиз. Хорижий ўлкалардаги сайлов участкаларида эса 80,51 фоиз сайловчи В.Путин номзоди учун овоз берди. Николай Харитонов — 5,30 фоиз, Ирина Хакамада — 4,82 фоиз, Сергей Глазьев — 3,68, Олег Малышкин ва Сергей Мироновлар — 0,81 ва 0,63 фоиздан овоз олдилар холос. Дарвоқе, хорижда ҳам 3,76 фоиз сайловчи барча номзодларга қарши овоз берган.

Владимир Путин душанбага ўтар кечаси ўз сайлов участкаси штабига келиб, деярли 1 соатга яқин вақт давомида бу ерда ҳозир бўлган маҳаллий ва хорижий журналистлар билан ошкора мулоқот ўтказди.

Шундай қилиб, сайлов жараёни тугади. МСК раиси Александр Вешняков сайловлар очиқ-ошкора ва ҳаққоний ўтганлигини алоҳида таъкидлади.

Сайловнинг якуний натижалари эса 25 мартгача эълон қилинади.

**Алимбек ТОШБЕК**

XORIJDA

# ГРУЗИЯДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Кеча Ғарбий Грузиянинг Поти шаҳрида Грузия — Ажария муносабатларига доир Грузия ҳукуматининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди.

Грузия ички ишлар вазири Георгий Барамидзенинг «Новости-Грузия» агентлигига маълум қилишича, Ажария мухториятининг маъмурий чегараси бўлмиш Чолоки дарёсидаги постдан Грузия Президенти Михаил Саакашвили ва унга ҳамроҳ бўлган ҳукумат вакиллари якшанба куни эрталаб мухторият ҳудудига ўтказилмаганлиги фавқулодда мажлис чақирилишига сабаб бўлди.

Грузия Президенти Саакашвили Ажария устидан ўтувчи ҳаво йўлларини, Туркия билан чегарадош «Сарпи» чегара-назорат пунктини, Батуми денгиз портини ҳамда Ажарияга кирувчи ва ундан чиқувчи юклар учун йўлларни ёпишни мўлжаллаб турибди.

Якшанба куни кечқурун Грузия Президенти Михаил Саакашвили Ажария етакчиси Аслан Абадшидзега 24 соат ичида Грузия раҳбариятининг мухторият ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлаш борасида ультиматум эълон қилди.

Душанбага ўтар кечаси Ажарияда комендантлик соати жорий этилди. Мухторият ички ишлар вазири Жемали Гогитидзенинг айтишича, ушбу чора қанча муддатгача давом этиши номаълум.

ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, якшанба куни кечқурун Грузиянинг бронетехникаси Поти шаҳридан чиқиб, Ажария томон йўл олган ва Чолоки дарёсининг Ажария билан чегарадош 30 километрлик ҳудудига жойлашган.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ажариядаги Россиянинг 12-ҳарбий базаси Грузия — Ажария ўртасидаги мазкур можароларга аралашмоқчи эмас. Бу ҳақда Россия Федерацияси мудофаа вазирининг матбуот котиби Вячеслав Седов маълум қилди.

## ДЕВОР ҚУРИЛДИ, ЭНДИ БУЗИЛАДИ



Исроил бош вазири Ариэл Шарон Вашингтонга қиладиган ташрифи арафасида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида қад ростлаётган 175 километр масофадаги деворни бузиш ҳақида қарор қабул қилди, дейилади Reuters ахборотида. Ва бу қарор мамлакат Мудофаа вазирлигига жўнатилди.

Таъкидлаш лозимки, 720 километрга мўлжалланган чегарадаги деворнинг 185 километри шу кунгача тикланган.

Исроил томони тасдиқлашича, мазкур девор террордан ўзини ҳимоя қилиш учун тикланмоқда. Фаластин томони эса ушбу девор Фаластин ҳудудида тикланаётганидан норози.

Энди гап Исроил ҳукуматида қолди. Агар у ҳам девор бузилишини ёқласа, ҳимоя девори аввалги чегарадан, яъни 1967 йилги Исроил-Фаластин уруши давригача бўлган чегара ҳудудидан ўтади.

Исроил-Фаластин муносабатлари ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, бугун Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Қурей билан учрашади ва мавжуд муаммолар доирасида музокара олиб борадилар.

## РЎЙХАТДАН ЎТИЛСА БАС

ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, Европарламент Европа Иттифоқига аъзо давлатлар фуқароларининг истиқомат жойларига оид ҳужжат қабул қилди. Мазкур ҳужжатда белгиланган тартиб-қоидани 2 йил ичида ЕИга аъзо барча давлатлар ўзларининг ички қонунларига киритишлари лозим. Шундан сўнг фуқаролар ЕИга аъзо давлатнинг хоҳлаганига бориши ва унда яшаши осонлашади, яъни ўзи ихтиёр этган мамлакатга бориб, маҳаллий полиция рўйхатидан ўтса бас. Агар уч ойдан кўп бўлмаган вақтга борса, ҳатто рўйхатдан ўтиб ўтириш ҳам шарт эмас. Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг ўзи етарли.

Тўғри, ҳар бир давлат ўз хоҳиши ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгича қоидаларни жорий этиши ёки ўзга давлат фуқаросининг бошқа давлатда узоқ яшашига рухсат бермаслиги ҳам мумкин. Масалан, яшаш учун зарур молиявий манбаси бўлмаганларга рухсат бермаслиги ихтиёрий. Бу эса ЕИга янги аъзо бўлаётган мамлакатлардан Ғарбий Европага арзон ишчи кучи оқиб келишининг олдини олади.

Жумладан, Буюк Британия муҳожирликка қарши кучайтирилган чора-тадбирлар қўллашни кўзлаб турибди.

Шу кунларда ЕИга аъзо давлатларнинг 5 миллион аҳолиси ўзга давлатларда (фақат ЕИга аъзо давлатларда) истиқомат қилмоқда.

Шу ўринда Европа Иттифоқига аъзо 15 давлат рўйхатини эслатиб ўтамиз: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция. Шу йил 1 майдан эса унинг таркиби яна 10 тага кўпаяди. Улар: Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстония. Айнан шу май ойида ЕИнинг ягона Конституцияси қабул қилиниши тахмин қилинмоқда. Аммо, Конституция моддалари борасида ўзаро тортишувлар, баҳс-мунозаралар тўхтагани йўқ.

## ЖАМОАТ ЖОЙИДА МУМКИН ЭМАС

Индонезия парламенти порнографияга қарши кураш борасидаги қонунни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этди, дейилади BBC News ахборотида. Унга кўра, мамлакатда «сексуал бузуқлик» қаттиқ тақиқланади. Ҳатто, жамоат жойларида ўпишиш ҳам энди мумкин эмас.

Бундан ташқари тўйгача ва тўй қилмасдан бирга яшаш, жамоат жойларида яланғоч ва ярим яланғоч юриш, тунги эротик базмлар ва стриптизлар тақиқланади.

Янги тартиб-қоидага кимки амал қилмаса, турли муддатларга, яъни уч йилдан 10 йилгача қамоқ жазоси билан «сийланади». Масалан, жамоат жойида ўпишган жуфтликлар беш йилгача озодликдан маҳрум этилади ёки 250 миллион рупий (тахминан 29 минг долларга тенг) жаримага тортилади.

## НАША ВА КЎКНОРИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Миср армияси ва полицияси Синай ярим оролида «тозалов» тадбирини ўтказиб, 458 та наша ва кўкнори плантацияларини йўқ қилдилар, дея хабар беради МЕНА агентлиги.

34 тоннадан ортиқ оғу уруғи ёндириб юборилди.

23 гектар майдонда экилган наша ва кўкнори даласи ҳарбий авиация ёрдамида топилди. Негаки, у инсон қадами етиши қийин бўлган тоғли ҳудудларда эди.

# «АНДИЖОНЁҒМОЙ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Андижонёғмой» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 5 мартдаги йиғилиши қарорига асосан 2003 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиш 2004 йил 6 апрель сешанба куни соат 11.00 да жамиятнинг мажлислар залида бўлиб ўтади.**

КУН ТАРТИБИДА:

*1. «Андижонёғмой» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2003 йилдаги ҳисоботини тасдиқлаш.*

*2. «Андижонёғмой» акциядорлик жамиятининг 2003 йил бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш, 2004 йил якунлари бўйича аудитор ёллашни тасдиқлаш.*

*3. «Андижонёғмой» акциядорлик жамиятининг 2003 йил бўйича фойда тақсимотини тасдиқлаш.*

*4. Жамият Кузатув кенгаши янги таркиби аъзоларини тасдиқлаш.*

1. Назаров Муҳаммаджон
2. Солиев Жамолдин
3. Сотволдиев Илҳомжон «Эталон плюс» МЧЖ бошлиғи
4. Назаров Азизулло
5. Аҳмадқулов Иқболжон
6. Содиқова Иродахон
7. Аҳмедов Баҳодир
8. Зуфаров Баҳодиржон «Хамрох-инвест» вакили
9. Ибрагимов Сулейман.
10. Ибрагимов Бекзод.
11. Кабиров Кадыр.

*5. Жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*

*6. Жамият тафтиш гуруҳи аъзолигига номзодларни тасдиқлаш.*

1. Тўхтабоев Шаробиддин
2. Сиддиқова Санобар
3. Дарвишева Мамлакатхон
4. Султонов Бахтиёржон
5. Фозилов Исоқжон.

*7. Жамият бошқаруви аъзоларини тасдиқлаш.*

1. Мадалбеков Бахтиёржон
2. Юсупов Манабжон.
3. Хўжааҳмедов Илдам.
4. Эсонов Раҳмонжон
5. Саримсаков Насибулло.
6. Тожиаҳмедов Маъзамжон.

*8. «Андижонёғмой» акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш.*

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

## «АНДИЖОНЁҒМОЙ» ОАЖНИНГ 2003 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| **Актив** | | **минг сўм** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Асосий воситаларнинг | | | товарлар | — | 20440 |
| қолдиқ қиймати | — | 944925 | Келгуси давр сарфлари | — | 781149 |
| Капитал қуйилмалар | — | 45087 | Харидор ва буюртмачи билан | | |
| «Ҳамкорбанк» акциялари | — | 5922 | ҳисоблашишлар | — | 875042 |
| Уюшма корхоналарига қарз | — | 77319 | Аванс тўловлари | — | 103065 |
| Узоқ инвестициялар | — | 1751 | Бюджет билан ҳисоб | — | 83624 |
| Бошқа активлар | — | 11000 | Актив бўйича жами: | — | 5537131 |
| Ишлаб чиқариш заҳираси | — | 407640 | **Пассив** | | |
| Туганланмаган ишлаб | | | Устав капитали | — | 161917 |
| чиқариш | — | 1024 | Узоқ муддатли кредитлар | — | 884679 |
| Тайёр маҳсулот | — | 79995 | Мол етказиб берувчилар | — | 1736418 |
| Олиб сотиладиган | | | Бюджет бўйича қарзлар | — | 442433 |
| | | | Пассив бўйича жами: | — | 5537131 |

| **Молиявий натижалар** | **Даромад** | **Харажат** |
|---|---|---|
| Умумий хўжалик фаолиятини молиявий натижаси | 90799 | 23012 |
| Фойдадан солиқ | — | 59244 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 7068 | |

Акциядорлик жамияти акциядорларининг рўйхатини юритиш реестри 2004 йил 6 март куни беркитилган. «Андижонёғмой» очиқ акциядорлик жамияти баланси тўғрилиги «Муторро» Аудит-консалтинг фирмаси томонидан тасдиқланган. Реестр юритувчи «Вақт» миллий депозитарийси шўъба корхонаси Андижон бўлими.

**Кузатув кенгаши**


"УЧҚЎРҒОН ЁҒ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватанимизнинг барча фуқароларини гўзаллик, яшариш тантанаси НАВРЎЗ байрами билан самимий табриклайди.

Меҳр ва мурувват йилида ҳар бир кунингиз Наврўз янглиғ азиз ва шодон бўлсин!

*Бизнинг аҳил жамоамиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, унга ўзига хос ҳисса қўшиб келаяпти. Энг муҳими, ишлаб чиқариш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наврўз шарофати бир паллаки, у шукуҳи ва нашидаси ила барча одамзотга ҳамда бутун оламга янгидан куч-қудрат бахш этади.*



Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ЙИРИКЛАШАЁТГАН МУАММО

## УНИ ЕЧИШГА ВАҚТИДА КАТТА ВАЪДА БЕРИШДИ-Ю, КЕЙИН УНУТИШДИ...

Хоразмда ўтган йили йиғим-терим мавсуми қийин кечди. Бир томондан ҳарорат паст келганидан пахта ҳосили пишиши кечикди, яна бир томони қишлоқ хўжалик техникаларини узлуксиз ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда муаммолар рўй берди.

Маълумки, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси вилоятдаги нефть тарқатиш корхоналарини йириклаштирди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил май ойидаги қарори билан Боғот нефть базаси тугатилди.

Ҳали ҳосил парвариши давридаёқ тумандаги қатор фермер хўжаликлари эгалари собиқ Боғот нефть базасини фермерларга нефть маҳсулотлари тарқатиш шахобчасига айлантириш тўғрисида катта-кичик йиғинларда таклиф ва илтимослар билан чиқишди.

**Исмоил СОБИРОВ, тумандаги «Собир Эгам» фермер хўжалиги бошлиғи:** «Юртбошимиз биз фермерлар тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Негаки, юрт келажаги — янгича мулк эгаларига бевосита боғлиқ. Олдинлари биз беш чақирим наридаги Боғот нефть базасидан маҳсулот олардик. У тугатилиб, бизни Ҳазорасп нефть базасига ўтказишди. Энди масофанинг узоқлигини айтинг. Яна ҳар дақиқа ғанимат мавсумда корхона олдида юзлаб фермерларнинг жавоб кутиши ортиқча. Бир неча марта маҳсулот олиш учун бориб бўларим бўлди. Уловидан тушови қиммат. Йиғинларда бу масалани бир неча марта айтдим...»

Боғот тумани нефть базаси илгари фермер хўжаликларига ҳар йили кимга юз, кимга бир тонна маҳсулот дегандай ўртача тўрт юз тонна атрофида ёнилғи-мойлаш материаллари тарқатиб келган. Арзимас бир бочка ёнилғи учун узоққа қатнаш ва кунлаб навбат кутиш...

Фермерларнинг ҳақли талаблари инобатга олинди. 2003 йил 8 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси 15/1-225 сонли кўрсатма берди ва «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси 2003 йил 18 сентябрда 93-сонли буйруқ чиқарди. Унинг биринчи иловасига кўра **«...собиқ Боғот нефть базаси деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи АЁҚШлар сифатида фаолият кўрсатувчи кам қувватли, паст рентабелли нефть база филиаллар рўйхатига киритилганди».**

Мазкур буйруққа кўра, Боғот нефть базаси ўрнида фермерларга ёнилғи тарқатиш шахобчаси (ФЁТШ) ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш учун бир ҳафта муддат ажратилиши борасида Ҳазорасп нефть унитар корхонаси ҳам қарор қабул қилди.

Вилоятда пахта йиғим-теримига октябрь ойида киришилди. Салкам икки ой давом этган масъулиятли мавсумда юқоридаги буйруқ ижроси бажарилмади. Йиғим энг қизиган даврда фермерлар тағин сарсон-саргардон бўлдилар. Туманда фермерлар билан қандай даражадаги масалада йиғилиш ўтказилмасин Боғот ФЁТШ борасидаги муаммо бот-бот кўтарилиб турди. Катталар катта-катта ваъдалар беришди-ю, муаммо ечилмасдан қолаверди.

Бу орада Боғот туманидаги «Чорвадор» ширкат хўжалиги ҳам фермер хўжаликларига айлантирилди. Янгидан тузилган фермер хўжаликлари эгалари бир овоздан Боғот ФЁТШдан ёнилғи олиш истагини билдиришди. Бу ҳақда умумий йиғилиш қарори ҳам қабул қилинди.

Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси Боғот туман вакиллигининг 2003 йил 3 декабардаги йиғилиши ҳам айнан шу масалага бағишланди. Йиғилишда сўзга чиққан фермерлар қишки ва баҳорги дала ишлари даврида ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотини узлуксиз йўлга қўйиш муаммосини тезкор ҳал қилиш зарурлиги ҳақида куйиниб гапиришди.

Республика ҳукумати қарорига кўра, 2005-2006 йилларда тумандаги «Ўзбекистон», «Деҳқонобод», М.Қувоқов номли ва Алишер Навоий номли ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилиши керак. Бунинг устига ҳозирданоқ туманда янгидан ўнлаб фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Демак, муаммо ўз-ўзидан янада йириклашмоқда.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмаси ижроси ҳамон қоғозда қолмоқда. Орада Ҳазорасп нефть унитар корхонасида бошлиқ ҳам алмаштирилди. Ижро эса...

**«Мансур» фермер хўжалиги раҳбари А.САФАРОВнинг дарди — барча фермерларнинг ҳам дарди:**

«Кўрсатма бўлса, буйруқ бўлса... собиқ Боғот нефть базаси темир йўл тортилган барча қулайликларга эга манзилда жойлашган бўлса... Наҳотки, бир неча вагон ёнилғини шу ерга келтириш имкони бўлмаса..?

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**


HOTEL DEDEMAN SILK ROAD TASHKENT



**HOTEL DEDEMAN**
**SILK ROAD TASHKENT**

O'zbekiston xalqini
*Navro'zi olam*
bilan tabriklaydi!

*Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик сизларга ҳамиша ёр бўлсин. Халқимиз азалий қадриятларига мос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат ҳеч биримизни тарк этмасин!*

*Меҳмонхонамиз жамоаси шу азиз Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсонга ва бу гўзал диёрга келаётган ҳар бир меҳмонга беминнат хизмат кўрсатишдан бағоят мамнундир.*


Спорт

# БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН ТУРНИР



13-14 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича олимпия ўйинларига саралаш туркумидаги «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатига тенглаштирилган мазкур мусобақада ер юзининг беш қитъасидан келган спортчилар етти вазн тоифаси бўйича кураш олиб боришди. Турнир низомига кўра, ҳар бир вазн бўйича кучли тўртликдан жой олган йигирма саккиз нафар спортчи шу йил августда Афинада бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги олимпиадага йўлланма олди.

Ушбу баҳсларгача вакилларимиздан Аслиддин Худойбердиев (60 кг.), Александр Доктораршвили (74 кг.) ҳамда Алексей Чеглаков (96 кг.)лар шундай бахтга мушарраф бўлишганди. Мутахассис ва мураббийларимиз қолган вазн тоифалари бўйича ҳам бир қатор курашчиларимизнинг Тошкент турнирида Афина олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишларига ишонч билдиргандилар. Бироқ, гиламга чиққан ҳамюртларимизнинг омади чопмади. Камол Холматов (55 кг.), Дмитрий Круглит (84 кг.)лар ўз вазн тоифаларида иккинчи давра беллашувларида ютқазиб қўйди. Сидней олимпиадаси қатнашчиси Баҳодир Қурбонов (66 кг.) ҳал қилувчи баҳс, яъни чорак финалда қирғизистонлик Канатбек Багалиевга имкониятни бой берди.

— Мусобақа менда катта таассурот қолдирди, — дейди турнир ғолиби, олимпия ўйинларининг кумуш ва бронза медаллари совриндори кубалик Мариан Хуан (66 кг.). — Тошкент турнири мени тўртинчи маротаба олимпиада иштирокчисига айлантирди. Агар Афина олимпиадасида зафар қучсам, армоним қолмасди.

Тошкент турнирида нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг етакчи спортчиларига эга АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Хитой сингари терма жамоалар ҳам олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга кирита олмадилар. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Эрон курашчилари (3 та олтин, 1 бронза) биринчи, қозоғистонликлар (биттадан олтин ва бронза, битта 4-ўрин) фахрли иккинчи поғонани банд этишди. Польша, Япония, Қирғизистон, Испания терма жамоалари иккитадан йўлланма соҳиби бўлди.



Шунингдек, «Мустақиллик кубоги»да Сербия ва Черногория, Куба, Болгария, Россия, Белорусия, Арманистон, Венгрия, Швейцария, Италия, Руминия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Чехия полвонлари эса Афина олимпиадасига биттадан йўлланмани қўлга киритдилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

*Суратларда:* мусобақадан лавҳалар.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

# Ҳикматли сўзлар маъноси

### НАСИҲАТ КЎП ЧЎЗИЛСА, ЁМОНЛИККА АЙЛАНАДИ

Бу билан: «Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Масалан, бир идишга ортиқча сув қуйилса, тошиб ерга тўкилади. Гап ҳам шундай. Бировнинг юраги кенг бўлса, бировники тор бўлади. Ҳамма ҳам кўп гапингни, кўп насиҳатингни сабр-чидам билан ичига ютавермайди, жиғига тегиб, сени жеркиб ташлаши ҳам мумкин. Шундай экан, бировга насиҳат қилмоқчи бўлсанг, вақти билан, ўрни билан, меъёри билан қисқа-лўндагина насиҳат қил», демоқчи бўладилар.

### НЕ ХИЛДА ЯШАСАНГ, ШУ ХИЛДА ЎЙЛАЙСАН

Бу мақол доноларнинг: «Онгни турмуш тарзи белгилайди» деган сўзини тасдиқловчи халқ ҳикматларидан биридир. Масалан, киши деҳқончилик билан яшаса, биринчи галда шу деҳқончиликка оид нарсалар ҳақида ўйлайди, бош қотиради, елиб-югуради; киши илм эгаси бўлса, илм йўлини қувийди ва ҳ.к.

### НОКАСТАДАН ҚАРЗ ҚИЛМА, ҚАРЗ ҚИЛСАНГ ҲАМ ХАРЖ ҚИЛМА

«Нокастадан қарз олма, олиб киссангга солма», «Нокастадан қарз сўрагунча, итдан суяк сўраган афзал», «Аслнинг хатоси йўқ, нокаснинг — атоси», «Томеъдан карам тилама, гадодан дирам тилама» (томеъ — таъмагир, бировдан бирор нарса умид қилувчи, бировнинг нарсасига кўз тикувчи. Дирам — танга, пул), «Номарддан ёрдам сўрама, юзингга солади», «Нокастадан қарздор бўлсанг, ҳам йўлда тутар, ҳам гўрда.

### НОМАРДНИНГ КЎПРИГИДАН ЎТГАНДАН — ДАРЁДА ҒАРҚ БЎЛГАН ЯХШИ

«Ўтма номард кўпригидан, сой сени оқизса ҳам», «Кечма номард кўпригидан, сел сени оқизса ҳам», «Номардга зор бўлгандан, қора дарёга ғарқ бўл», «Номарднинг қўлидан зарбоф тўн кийгунча, марднинг қўлидан заҳар ич», «Номарддан нажот кутма, итдан — ҳожат», «Номардга ялинма, бир балога чалинма», «Номардга асло сунма бўйнингни, пуч ёнғоққа тўлдиради қўйингни», «Номард бўлиб кўпга киргунча, мард бўлиб ўлган яхши», «Номарднинг хотини бўлгунча, марднинг беваси бўл», «Нолиш билан иш битмас, номардга мард тиз чўкмас», «Номардга тиз чўкиш — ўлимдан қаттиқ», «Номардга ёлворгунча, йўмардга ёлвор» (йўмард — «жўмард» ҳам дейдилар — сахий, қўли очиқ одам), «Маслаҳатни марддан сўра», «Мард бўламан десанг, мардга ҳамроҳ бўл», «Номдор кишига номзод бўл» («Номдор, яъни эл-юрт орасида номи чиққан, обрў-эътиборли одамга номзод бўлсанг, яъни шундай одамга яқин юрсанг, изидан борсанг, сен ҳам обрў-эътиборли бўласан», демоқчи).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, МК Сиёсий ижроқўми аъзоси Маҳмуджон Расуловга падари бузруквори

**МЎМИНЖОН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси кенгаш аъзоси, Тошкент вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Т.Умаралиевга онаси

**ҚУМРИХОН ая**нинг

вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


# «ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***«Шаҳрисабз вино-ароқ» ҳиссадорлик жамиятининг 2003 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2004 йил 10 апрель куни соат 11.00 да жамият мажлислар залида ўтказилади.***

**Кўриладиган масалалар:**

1. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2003 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2003 йил якунлари бўйича Бошқарув раисининг ҳисоботи.
3. 2004 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг 2003 йилги бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва бошқа ҳисоботларини тасдиқлаш.
5. 2003 йил якунлари бўйича дивидентлар миқдори ва уларнинг йўналиш тартибини тасдиқлаш.
6. Акциядорлик жамиятида қимматли қоғозлар бўйича 2-ЦБ шаклидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
7. Аудиторлик ҳамда тафтиш хулосаларини тасдиқлаш.
8. Аудиторни тасдиқлаш.
9. Акциядорлик жамиятининг ижро органи раҳбари ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасининг муддати бир йилга узайтирилишини тасдиқлаш.
10. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Акциядорлик жамияти Бошқарув ҳайъати аъзоларини сайлаш.

Манзил: Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй.

**Кузатув кенгаши**

**Акциядорлик жамиятининг 2004 йил 1 январь ҳолатига БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ (минг сўм ҳисобида)**

| АКТИВ | Йил бошига қолдиқ | Йил охирида қолдиқ |
|---|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | 411601 | 391912 |
| Жорий активлар | 1055850 | 1296786 |
| Жами | 1467451 | 1688698 |
| ПАССИВ | | |
| Ўз маблағларининг манбалари | 308156 | 309612 |
| Мажбуриятлар | 1159295 | 1379086 |
| Жами | 1467451 | 1688698 |

**2004 йил 1 январь ҳолатига Молиявий натижалар (минг сўм ҳисобида)**

| | |
|---|---|
| Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум | 2938509 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 2591 |



BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 464
13418 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA